



## СУРУНКАЛИ БҮЙРАК КАСАЛЛИГИДА РЕНАЛ КАМ҆ОНЛИКНИ РЕГИОНАЛ КЕЧИШ ХУСУСИЯТЛАРИ.

Айбергенова Х.Ш.

Умарова З.Ф.

Жабборов О.О.

Тошкент Тиббиёт Академияси, Тошкент шаҳар, Ўзбекистон  
+998932120709

<https://doi.org/10.5281/zenodo.7627447>

Анемия касаллиги сурункали буйрак касаллиги билан доим ҳамроҳ бўлиб келган ва клиницистлар томонидан қайд этиб борилган. 1895 йилда Хьюго Вильгельм фон Цимссен ёзганидек: “Шуни аниқ айтаманки, сурункали буйрак касалликларида гемоглабин миқдорини систематик тарзда текшириб бориш худди шу касалликдаги бошқа ахамиятга эга анализлар каби жуда муҳим ва долзарбдир ҳамда прогностик метод сифатида тан олинган.”

Хозирги замонавий тушунчаларга кўра, буйрак генезли анемия сурункали буйрак етишмовчилигининг энг эрта ва тез-тез учрайдиган асоратидир ва одатда креатинин клиренсининг 40-60 мл/мин га(III босқич СБК таснифи бўйича NKF-K\DOQI) камайиши билан кузатилади.

Тадқиқот мақсади: Сурункали буйрак касаллигига ренал камҷонликни регионал кечиш хусусиятлари ўрганиш.

Материаллар ва тадқиқот усуллари: Ушбу мақолада 80 та СБК билан касалланган bemorlarни ўрганиш натижалари келтирилган. Беморларнинг ўртача ёши 20-50 ёшни ташкил этади. Намуналар Ўзбекистонда туғилган ва бир-бири билан ҳеч қандай алоқаси бўлмаган ўзбек миллатига мансуб шахсларни ўз ичига олган. Клиник ва диагностик текширув Тошкент Тиббиёт Академияси 2-сон факультет ва госпитал терапия кафедраси мутахассислари томонидан Тошкент Тиббиёт Академияси кўп тармоқли клиникаси нефрология бўлимида амалга оширилди. Беморларнинг қондаги гемоглабин миқдори ва қайси худудданлиги ўрганиб чиқилди. Натижалар bemor келган кунидан бошлаб ўрганилди.

Натижа: Беморларда натижалар қуидагicha бўлди.

Касалларнинг умумий сони 80 та. Шулардан 35таси аёлларни(43.75%) ва 45 таси эркакларни (56.25%) ташкил қиласди.

Ёшига кўра: 20-30 ёшгача(46.25%), 30-40 ёшгача(30%), 40-50 ёшгача(23.7%) ни ташкил қиласди.



# THEORETICAL ASPECTS IN THE FORMATION OF PEDAGOGICAL SCIENCES

International scientific-online conference



Худудларга қўра: Тошкент вил 21.25%, водий 13.75%, Қашқадарё 13.75%, Сурхондарё 10%, Хоразм 8.75%, ҚҚР 6.25, Тошкент шахар 5%, Сирдарё 5%, Жиззах 5%, Самарқанд 5%, Бухоро 3.75%, Навоий 2.5% ни ташкил қиласди.

Хулоса: Шундай қилиб, СБК билан оғриган bemorларда худудлар бўйича энг кўп ренал камқонлик билан асоратланган bemorлар Тошкент вилоятида ва энг кам Навоий вилоятида эканлиги тасдиқланди. Бундан келиб чиқадики, ренал анемиянинг худудларга боғлиқлиги маълум маънода аҳамиятга эгадир, лекин асосий сабаби касалликнинг кечишига боғлиқдир.